

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"INFINITY INSURANCE" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"INFINITY INSURANCE" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

306 464 351

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

29.05.2019

Sana

1995881

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

**TOSHKENT SHAHRI, MIROBOD TUMANI, БАЙНАЛМИНАЛ МФЙ, НУКУС КУЧАСИ, 91/1-УЙ,
БЛ-А-ХОҲАДОН**

Tomonidan berilgan:

MIROBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1369663





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
306 464 351

Nomi
INFINITY INSURANCE

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirobod tumani, Байналминал МФЙ,
Нукус кучаси, 91/1-уй, БЛ-А-хонадон


O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
306 464 351

Nomi
INFINITY INSURANCE

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirobod tumani, Байналминал МФЙ,
Нукус кучаси, 91/1-уй, БЛ-А-хонадон



06.10.2023

2283219

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1369662





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot
enum_stock_type_null

Aksiyalar soni: 7000000

Aksiya bahosi: 5 000 so'm

Aksiya to'g'risida ma'lumot
Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 437500

Aksiya bahosi: 5 000 so'm

Aksiya to'g'risida ma'lumot
Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 1593750

Aksiya bahosi: 5 000 so'm

Ustav fondi

45 156 250 000 so'm

06.10.2023

2283219

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1369662



“ТАСДИҚЛАНГАН”
“INFINITY INSURANCE” АЖ

Ягона акциядорининг

2023 йил _____ оқтябрдаги

/2023-сонли баёни

интоваси



“INSURANCE 8888” МЧЖ

директори

Д.М. Ерназаров

“INFINITY INSURANCE”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИ
(янги тахрирда)

Тошкент шаҳри – 2023 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Акциядорлик жамияти шаклидаги “INFINITY INSURANCE” (бундан буён матнда – Жамият) тижорат ташкилоти бўлиб, Жамиятнинг мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонун (бундан буён матнда – Қонун) ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “INFINITY INSURANCE” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 май куни 728524-сон реестр рақами билан рўйхатга олинган Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “PERFECT INSURANCE” суғурта компаниясининг ва “PERFECT INSURANCE” акциядорлик жамияти суғурта ташкилотининг ҳуқуқий вориси ҳисобланиб, унинг барча мажбуриятлари бўйича жавобгардир.

1.3. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

II. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ ВА МАНЗИЛИ

2.1. Жамиятнинг ўзбек тилидаги фирма (тўлиқ расмий) номи: “INFINITY INSURANCE” акциядорлик жамияти.

Жамиятнинг ўзбек тилидаги қисқартирилган фирма номи:
“INFINITY INSURANCE” АЖ.

Жамиятнинг лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги тўлиқ фирма номи:
“INFINITY INSURANCE” aksiyadorlik jamiyati.

Жамиятнинг лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги қисқартирилган фирма номи:

“INFINITY INSURANCE” AJ.

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

Акционерное общество “INFINITY INSURANCE”.

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:

АО “INFINITY INSURANCE”.

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:

“INFINITY INSURANCE” joint-stock organization

Жамиятнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:

“INFINITY INSURANCE ” JSO.

2.2. Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100100, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 91/1-уй, БЛ-А.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@infinity-insurance.uz

Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.infinity-insurance.uz

2.3. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

III. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

3.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

3.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган жойи кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлиши мумкин. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

3.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

3.7. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

3.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

3.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3.10. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорларнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядорлар мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставида бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

3.11. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорларнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

3.12. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

4.1. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар, шўъба корхоналари очишга ҳақли. Филиал жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

4.2. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонасига бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

4.3. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

4.4. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

4.5. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишига ёки уларнинг устав капиталида бошқача тарзда иштирок этишга ҳақли.

V. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

5.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида жисмоний ва юридик шахсларни, шу жумладан, бошқа ташкилотлар, давлат органлари ва муассасалари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларни (*Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларини*) молиявий,

тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа таваккалчиликларини суғурталаш йўли билан ҳимоялаш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

5.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, қайта суғурта қилдирувчиларнинг (*резидент ва норезидентлар*) Умумий суғурта қилиш тармоғида суғурта ва қайта суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Шунингдек, жамият ўз фаолиятида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илм-фан ютуқларини жорий қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, суғурта бозорини юқори сифатли суғурта хизматларига бўлган мавжуд эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш, меҳнат жамоаси аъзолари ва жамиятнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий манфаатларини қондиришни ҳам амалга оширади.

5.3. Кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турларини, қайта суғурта операцияларини амалга оширади, маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатади;

- амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестицион фаолиятни амалга оширади;

- белгиланган тартибга биноан суғурта тўловлари миқдорини аниқлайди ҳамда корхона, ташкилот ва жисмоний шахсларга суғурта қопламаларини тўлашни амалга оширади;

- барча ҳудудларда суғурталанувчиларнинг (*суғурта қилдирувчиларнинг*) эҳтиёжларини тўлиқроқ қаноатлантирилишига ёрдам берувчи янги суғурта турларини ишлаб чиқади ҳамда тадбиқ этади;

- Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантиради;

- суғурта объектлари нобуд бўлиши ва зарарланишининг олдини олувчи тадбирларни амалга оширади;

- биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини маҳаллий валютада, шунингдек, чет эл валютасида қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда амалга оширади;

- суғурта масалаларида маслаҳатлар беради, суғурта фаолиятини реклама қилади;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга зид келмайдиган шартлар билан, Жамиятнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган заҳира ва бошқа фондларни шакллантиради, шунингдек улардан ўз ўрнида фойдаланади;

- республика вазирликлари ва идоралари, бошқа давлатларнинг ташкилотлари билан амалий алоқалар ўрнатади, ҳамкорлик қилади, бу алоқа ва ҳамкорликни ривожлантиради, биргаликдаги суғурта фаолиятини юритади;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғуртанинг мажбурий турларини амалга оширади;

- хорижий мамлакатларнинг экспорт-кредит агентликлари, суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан тижорат ва сиёсий хатарларни суғурталаш бўйича ҳамкорлик ўрнатади;

- халқаро, хорижий ва маҳаллий суғурта ташкилотлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда суғурта ва қайта суғурта операцияларини амалга оширади.

5.4. Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари, Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

5.5. Жамият суғурталовчи сифатида ваколатли давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлиги томонидан берилган лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширади.

5.6. Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш учун олдидаги вазифаларни бажариш мақсадида куйидагиларга ҳақлидир:

- жамият суғурта хизматларини сотиши, суғурта билан боғлиқ хизматларни тақдим этиши ва олиши (*шу жумладан, суғурта хатарини, зарарни баҳолаш, суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бошқалар*) мақсадида маҳаллий ва хорижий юридик шахслар, яқка тадбиркорлар ва жисмоний шахслар билан мулкӣ, шахсий суғурта, жавобгарликни суғурталаш бўйича суғурталаш, қайта суғурталаш шартномалари, агентлик, ҳамкорлик ва бошқа шартномалар (*битимлар*) тузиш;

- Ўзбекистон ҳамда чет элда жамиятнинг мақсадлари ва асосий вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган ёки улар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар хил битимлар ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг Иштирокчиси бўлишга ёки уларнинг устав капиталида бошқа тарзда иштирок этиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ташқарисида ҳам ваколатхоналар, филиаллар, савдо уйлари очиш;

- банкларда белгиланган тартибда ихтиёрий ҳисоб рақами ва валюта ҳисоб рақами очиш, судда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, банк кредитини олиш, қонунчиликка мувофиқ барча шаклдаги тўловларни ўтказиш ва акцептлаш, пул воситаларини конвертация қилишнинг амалдаги тартибига мувофиқ, ваколатланган банк орқали ўз воситаларини конвертация қилиш;

- суғурта хатарини баҳолаш, миллий ва хорижий валютада суғурта операцияларини амалга ошириш, шу жумладан суғурта мукофотлари (*суғурта бадаллари*) олиш, суғурта маҳсулотлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта қоидалари ва шартларини, суғурта тарифларини, суғурта мукофотларини тасдиқлаш, суғурта воситачилари билан ўзаро келишган ҳолда агентлик тўловлари миқдорини белгилаш, суғурта захираларини шакллантириш, активларни инвестиция қилиш, зарарлар миқдорини аниқлаш, суғурта тўловларини амалга ошириш, суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

- суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қалтисликлари ва зарар миқдорини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- суғурта хатарини қабул қилиш, хавф даражаси ёки суғурта дастурининг ўзгариши муносабати билан шартномани тузишда ва тузишдан аввал экспертизалар ўтказиш, суғурта объектларининг қийматини аниқлаш, суғурта (*қайта суғурта*) шартномаларида назарда тутилган суғурта ҳодисалари (*суғурта белгиларига эга бўлган ҳолатлар, ҳодисалар*) бўйича мустақил равишда ёки учинчи шахслар иштирокида суриштирувлар ўтказиш;

- жамият ваколатига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий ва хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун билан рухсат берилган доирада кредитлар ва ссудаларни жалб қилиш, кафолатлар ва кафилликлар бериш, депозитлар бериш, инвестицияларни амалга ошириш ва норматив-ҳуқуқий ва ички меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда суғурта захиралари маблағларини инвестиция инструментларига жойлаштириш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиш, суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурталаш брокерлари, шунингдек суғурта бозорининг бошқа иштирокчилари билан тегишли равишда шартномалар тузиш;

- махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда инвестиция фаолиятини олиб бориш, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси ва

инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

- жамият томонидан шахсий зарурат учун илгари олинган ёки суғурта шартномаларини тузиш натижасида ўз тасарруфига олган мулкни сотиш ёки ижарага бериш;

- жамиятга юклатилган вазифаларни бажаришда ва хўжалик фаолиятини юритишда зарур бўладиган товар моддий бойликлар, ишлаб чиқариш ва техник мақсадлардаги жиҳозлар, транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа турдаги жиҳозларни сотиб олиш;

- жамият фаолияти билан боғлиқ шахсий маълумотларни ва фойдаланилиши чегараланган маълумотларни ҳимоя қилиш чораларини кўриш, махфий маълумотлар ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш;

- суғурта мавзуларида семинарлар, конференциялар, бошқа тадбирлар, шу жумладан ўқув тадбирларини ташкил қилиш ва қатнашиш;

- миллий, хорижий ва халқаро суғурта иттифоқларига, бирлашмаларга, ассоциация ва касаба уюшмаларига аъзо бўлиш, Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида халқаро конференциялар, семинарлар, тренинглар, инвестиция форумларида иштирок этиш;

- тендер, танловларда, аукционларда, савдоларда, конкурс-кўрикларда иштирок этиш, ҳомийлик ва хайрия тадбирларини амалга ошириш;

- хўжалик фаолиятини мустақил режалаштириш;

- ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қайта суғурта қилдириш;

- суғурта қопламаси миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда ҳуқуқ-тарғибот идоралари, судлар, тиббий, сейсмологик, ветеринар, гидрометрологик ва бошқа ташкилотлардан сўраш ва олиш;

- қонун ҳужжатларида, шунингдек, суғурта (*қайта суғурталаш*) шартномаларида белгиланган тартиб ва ҳолатларда суғурта товонидан воз кечиш, суғурта шартномаларини муддатидан олдин тўхтатиш;

- Ўзбекистон Республикаси ва чет эл рейтинг ташкилотларидан рейтинг кўрсаткичларини олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

VI. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

6.1. Жамиятнинг Устав капитали акциядорлар (*Ягона акциядор*) томонидан олинган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

6.2. Жамиятнинг Устав капитали Жамият мол-мулкнинг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

6.3. Жамиятнинг устав капитали 45 156 250 000 (*қирқ беш миллиард бир юз эллик олти миллион икки юз эллик минг*) сўмни ташкил қилади ва ҳар бир акциянинг номинал қиймати 5 000 (*беш минг*) сўм бўлган 9 031 250 (*тўққиз миллион ўттиз бир минг икки юз эллик*) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

6.4. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Бунда жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав капиталининг 25 (*йигирма беш*) фоизидан ошмаслиги керак.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

6.5. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.6. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

6.7. Жамият эълон қилинган акциялари - Жамият Устав капиталини кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига, қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 5 000 (*беш минг*) сўм бўлган 17 968 750 (*ўн етти миллион тўққиз юз олтмиш саккиз минг етти юз эллик*) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар иборат.

6.8. Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (*акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш*) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

6.9. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

6.10. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қарори билан ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг Кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш ҳукуқи берилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши қарори билан қабул қилинади.

6.11. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳукуқига эга.

Имтиёзли ҳукуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳукуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

6.12. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

6.13. Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

6.14. Жамиятнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акция тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

6.15. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

6.16. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.17. Жамиятнинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

6.18. Жамият ўз устав капиталини, агар бундай камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан кам бўлса, камайтириши мумкин эмас.

6.19. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.20. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6.21. Жамият кредиторларни устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар уларга Жамият устав капиталининг камайиши тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажарилишини ва тегишли зарарларнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

7.1. Жамият ўзининг акциялари оддий, шунингдек имтиёзли акциялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади.

Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

7.2. Жамиятнинг акцияси бўлинмайди. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

7.3. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

7.4. Жамият қонун ҳужжатларига ва уставига мувофиқ, акциялар билан бир қаторда облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштиришга ҳақли.

7.5. Жамиятнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи тартиби қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланади.

VIII. АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Жамиятнинг акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- ягона акциядор қарори орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

8.2. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

8.3. Акциядорлар ўз ҳуқуқларини бевосита, шахсан ва вакили орқали амалга оширишлари мумкин. Вакил сифатида ҳар қандай учинчи шахс, шу жумладан бошқа акциядор, шунингдек Жамиятнинг мансабдор шахси қатнашиши мумкин. Вакил тайинлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

8.4. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

8.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан уларни олувчига ўтади.

8.6. Акциядор мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

8.7. Жамият акциядори қуйидаги мажбуриятларга эга:

- жамиятнинг Устав қоидаларига ва Уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулда ҳисса кўшиш (*акция ҳақини тўлаш*);

- жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ташкил қилувчи сирларни фош қилмаслик;

- миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият Бош директори фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим;

- Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида жамиятни, унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ёки инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, жамият, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

8.8. Акциядор мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

IX. ДАРОМАДНИ (Фойдани), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

9.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

9.3. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ҳамда молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

9.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

9.6. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда, дивиденднинг миқдори, дивидендни тўлаш шакли ва тартиби ҳамда уни тўлаш муддати, яъни тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

9.7. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ёки ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

9.8. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорда белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.9. Жамият:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва заҳира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас;

- ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорга тўлаши шарт.

9.10. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

Х. ЖАМИЯТНИНГ СУҒУРТА ЗАҲИРАЛАРИ, ЗАҲИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАР

10.1. Жамиятнинг суғурта заҳиралари:

Жамиятнинг суғурта заҳиралари олинган суғурта бадалларидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда шартлар билан ҳосил қилинади;

Суғурта заҳиралари Компания ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун мўлжалланган

Жамият бухгалтерия ҳисоботини тузишда ҳисобот санасига суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинган молиявий натижаларини аниқлашда суғурта заҳиралари ҳажмини ҳисоблайди. Суғурта заҳиралари ҳисоб-китоби ижро этувчи орган томонидан жамиятнинг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

10.2. Жамият соф фойда ҳисобидан заҳира фондини ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши қароридан аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

10.3. Жамиятнинг заҳира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини

муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

10.4. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг соф фойдасидан ҳар йили 5 (*беш*) фоиз миқдорида ажратмалар қилиш йўли билан, миқдори устав фондининг 15 (*ўн беш*) фоизига тенг бўлгунга қадар ҳосил қилинади.

10.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

XI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

11.1. Жамият бошқарув органлари:

- Акциядорлар умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (*Бош директор*).

XII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

12.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

12.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (*навбатдаги*) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ, жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади. Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

12.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

12.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (*тугатиш комиссиясини*) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек эълон қилинган акциялар сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- устав капиталини камайтириш;
- жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, жамиятнинг ижроия органи раҳбарини (*Бош директор*) сайлаш (*тайинлаш*) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда йирик битим ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади. Бунда жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятини (*суғурта, қайта суғурта ва инвестиция фаолияти*) юритиш жараёнида тузиладиган битимлар (*суғурта, қайта суғурта ва инвестиция фаолияти билан боғлиқ битимлар*) ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (*шартномани бекор қилиш*) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ҳомийлик (*хайрия*) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (*олиш*) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (*масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси*) тартибинини белгилаш (*тасдиқлаш*);

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари ва ҳисоботлари шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва ушбу устав билан жамият ягона акциядори томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

12.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

12.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда жамият корпоратив веб-сайтида ва корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

ХП. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуни ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколати доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

13.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланадилар. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13.3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони камида 3 (уч) кишидан иборат.

13.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ёки компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини (*мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно*), шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш,

- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (*улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклида тузилади*);

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда йирик битим ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарор мол-

мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади. Бунда жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятини (*суғурта, қайта суғурта ва инвестиция фаолияти*) юритиш жараёнида тузиладиган битимлар (*суғурта, қайта суғурта ва инвестиция фаолияти билан боғлиқ битимлар*) ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (*тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар*)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича кўмиталар (*ишчи гуруҳлар*) ташкил этиш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (*қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш*) нархини белгилаш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- хомийлик (*хайрия*) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (*олиш*) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

- жамиятнинг ҳар йилги инвестиция сиёсатини тасдиқлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

13.5. Жамият кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас. Мазкур уставда кўрсатиб ўтилган ҳолатларда, ижроия органи ваколатига киритилган айрим масалалар кузатув кенгашининг ваколатлари доирасига киритилиб, ҳал қилиниши мумкин.

13.6. Жамият кузатув кенгашининг ваколатига Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиш учун киритилиши мумкин.

13.7. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.8. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

13.9. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини

ташқил этади ҳамда ижроия органи раҳбари (*Бош директор*) билан меҳнат шартномасини имзолаши мумкин.

13.10. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

13.11. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, ижроия органи талабига кўра чақирилади.

13.12. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (*етмиш беш*) фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгашининг қарори кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади.

13.13. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

13.14. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

13.15. Баланс қиймати ёки олдин қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташқил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларининг овози инobatга олинмайди. Бунда жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятини (*суғурта, қайта суғурта ва инвестиция фаолияти*) юритиш жараёнида тузиладиган битимлар (*суғурта, қайта суғурта ва инвестиция фаолияти билан боғлиқ битимлар*) ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди.

13.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг 10 (*ўн*) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

13.17. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (*сўров йўли билан*) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

13.18. Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг баёни имзоланган куни жамият ижроия органига ижро қилиш учун тақдим этилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда ушбу қарор тўғрисидаги маълумотлар кузатув кенгаши йиғилиши куни жамиятнинг ижроия органига юборилади

13.19. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар

қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

13.20. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига ҳақ тўланиши ёки уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ харажатлари жамият томонидан қопланиши мумкин. Ҳақлар, харажатларнинг миқдорлари ва уларни тўлаш тартиби жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

13.21. Кузатув кенгаши мазкур устав ва «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

14.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати яқка ижроия этувчи орган – Бош директор томонидан амалга оширилади

14.2. Жамият Бош директори белгиланган тартибда Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан номуайян муддатга лавозимга тайинланади.

14.3. Жамият ва Бош директор ўртасидаги меҳнат шартномаси акциядорларнинг умумий йиғилишига раислик қилувчи ёки умумий йиғилиш қарори билан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.

14.4. Жамият ижроия органи ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

14.5. Жамият ижроия органи жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият устави, жамият ягона акциядори ва кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

14.6. Жамият ижроия органи қонун ва мазкур уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

14.7. Жамиятнинг Бош директори жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини ҳимоя қилади.

14.8. Жамиятнинг Бош директори ваколатига қуйидагилар киради:

- ушбу Устав ва кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ ўз ваколати доирасида жамиятни бошқариш;

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ифодалаш ва битимлар тузиш;

- жамият ички меъёрий ҳужжатлари ва низомларини тасдиқлаш;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси, таркибий тузилма раҳбарларини тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;

- жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда ишончномалар беради, банкларда ҳисоб-китоб учун сўм, валюта ва бошқа ҳисоб-рақамлари очиш ва ёпиш;

- жамиятнинг Марказий аппарати, филиаллари, бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорини, шунингдек уларга бериладиган мукофотлар миқдорини белгилаш;

- жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, бунда бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан ошмаслиги лозим, жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятини (*сугурта, қайта сугурта ва инвестиция фаолияти*) юритиш жараёнида тузиладиган битимлар (*сугурта, қайта сугурта ва инвестиция*

фаолияти билан боғлиқ битимлар) ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- жамиятга асосий воситалар сотиб олиш ва ҳисобдан чиқариш;
- жамият номидан келишув ва шартномалар ҳамда битимлар тузиш;
- кузатув кенгашининг розилигига кўра, унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини, кўшимча келишувлар тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг ташкил этилишини, тўғри ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотни акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумотларни олувчиларга юборилишини таъминлаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;
- жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
- мазкур уставда кўрсатиб ўтилган акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган жамиятнинг кундалик фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа масалалар.

14.9. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

14.10. Ижроия органи мазкур Устав ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

XV. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1. Жамият активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ёки ошса жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

15.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

15.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

15.4. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

15.5. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

15.6. Жамиятда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

15.7. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XVI. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

16.1. Жамият:

- жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

- жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

- акциялар эмиссияси рисоласини;

- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

- жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши ва бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият бош директорининг буйруқларини;

- жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;

- жамият акциядорларининг реестрларини;

- аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

XVII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

17.1. Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби:

- Жамиятни қайта ташкил этиш (*жумладан: қўшиб олиш, қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш*) акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

17.2. Жамиятни тугатиш тартиби:

- Жамиятни тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ, ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

XVIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

18.1. Жамият уставида кўзда тутилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланади.


18.2. Жамият устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

18.3. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

18.4. Ушбу устав Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

18.5. Мазкур устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатиغا олинган вақтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

“INFINITY INSURANCE” АЖ
Бош директори



С.Ш.Шарипов

